# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2006 YIL 27 OKTYABR, JUMA

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 128 (7.121). Sotuvda erkin narxda


**Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлардан, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришдан кўзлаган бош мақсадимиз – одамларда ерга, мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш орқали халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдан иборат. Чунки, моддий рағбат инсонни янги ташаббус ва ютуқларга етаклайди. Кўргазма-савдо жараёнида замонавий техника ва технологияларни харид қилаётган фермерларимиз ўзи сарфлайдиган ҳар бир сўм эртага ўн баравар бўлиб қайтишини назарда тутмоғи зарур.**

**Ислом КАРИМОВ**

# Халқ фаровонлигини янада юксалтириш йўлида

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 октябрда «Ўзэкспомарказ»нинг павильонларида давом этаётган «Uzbekistan Agrominitech Expo — 2006» қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўргазмасига ташриф буюрди.**

Давлатимиз раҳбари кўргазма экспозицияларини кўздан кечирди. Бу ерда мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш, ун ва ем ишлаб чиқариш, боғдорчилик ва узумчилик учун минитехника ва ускуналар, қадоқлаш-ўраш линиялари, ўсимликлар муҳофазаси учун кимёвий моддалар, қорамолчилик ва терини қайта ишлаш, иссиқхона хўжаликлари учун ускуналар кенг намойиш этилмоқда.

Мамлакатимиз азал-азалдан ширин-шакар, экологик тоза мева ва сабзавотлари билан машҳур. Бугунги кунда Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш бўйича нафақат МДҲда, балки дунёнинг кўпгина мамлакатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Бу давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш асосида тармоқда кенг кўламли тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишга қаратаётган улкан эътибори натижасидир. Ислоҳотлар деҳқон ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб ҳис қилишига, ўз меҳнати самараларидан манфаатдор бўлишига қаратилган. Юртимизда фермерлик ҳаракати кенгаймоқда, кичик бизнес корхоналари сони ортмоқда, бу эса етиштирилаётган маҳсулот ҳажмини ошириш билан бирга, унинг сифатини яхшилашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бироқ республика агросаноат мажмуи экспорт салоҳиятини ошириш, етиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларни янада такомиллаштириш, яъни ҳосилни йиғиб олиш билан чекланмасдан, маҳсулотни қайта ишлаш ва қадоқлаш босқичигача етказиш талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси энг замонавий минитехнологиялар ва ускуналарга эга бўлиши, улар ёрдамида маҳсулотни тез ва сифатли қайта ишлай олиши зарур.

Бу муҳим муаммо ўз ечимини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 августдаги қарорига кўра «Ўзэкспомарказ»да моҳияти ва кўлами жиҳатидан ўзига хос бўлган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўргазмаси ташкил этилди. Унда дунёнинг 25 мамлакатидан қарийб 200 компания иштирок этмоқда. Улар орасида Германия, Исроил, Италия, Хитой, Польша, Россия, Туркия, Франция вакиллари бор.

Дунёдаги энг яхши техника билан танишиш ва уларни сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш учун кўргазмага мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 3 мингдан ортиқ фермер, агрофирма ва кичик корхоналар раҳбарлари ташриф буюради. Харидларни молиялашнинг энг фойдали шартлари хусусида кўргазманинг ўзида уларга Ўзбекистон тижорат банклари, лизинг ва суғурта компаниялари мутахассислари маслаҳатлар бермоқда. Шартномаларни расмийлаштириш ҳамда сотиб олинган ускуналарни республиканинг исталган жойига етказиш борасида ёрдам кўрсатилмоқда.

Президент Ислом Каримов кўргазма доирасида фермерлар учун ташкил этилган семинар иштирокчилари билан учрашди.

- Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлардан, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришдан кўзлаган бош мақсадимиз – одамларда ерга, мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш орқали халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдан иборат, - деди давлатимиз раҳбари. - Чунки, моддий рағбат инсонни янги ташаббус ва ютуқларга етаклайди. Кўргазма-савдо жараёнида замонавий техника ва технологияларни харид қилаётган фермерларимиз ўзи сарфлайдиган ҳар бир сўм эртага ўн баравар бўлиб қайтишини назарда тутмоғи зарур.

Бунинг учун фермер техникага харидор бўлиш асносида унинг энг замонавийсини, ўзини ҳар жиҳатдан оқлайдиганини танлаши лозим. Шунингдек, бундай минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни харид қилишда фермер нафақат ўз ҳисоб рақамидаги маблағлардан, балки банклар кредитларидан ҳамда лизинг усулидан самарали фойдаланмоғи даркор.

Энг муҳими, деҳқон ва фермерларимиз ўзлари етиштирган маҳсулотларни фақат хом ашё сифатида эмас, балки қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолида ҳам сотиш ва шу орқали катта даромад олиш имкониятига эга бўлсин.

Юртбошимиз замонавий билимларни эгаллаётган бугунги ёшларимиз илғор техника ва технологияларни ўзлаштиришда ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигини алоҳида таъкидлади. Шу маънода ушбу кўргазмада намойиш қилинаётган минитехнологиялар ва ихчам ускуналар билан ёшларимиз яқиндан танишишлари айни муддао бўлур эди.

Мазкур кўргазмада қатнашиш хорижий компаниялар учун ҳам фойдали. Хорижий иштирокчиларнинг фикрича, бу ерда мисли кўрилмаган қулай шароитлар яратилган. Улар ўз ускуналарини Ўзбекистон ҳудудига божхона тўловисиз олиб кириш имтиёзига эга бўлиб, сотиш эса қўшимча қиймат солиғи тўламай амалга оширилади. Бундан ташқари, «Ўзэкспомарказ»нинг кўргазма павильонлари уларга бепул тақдим этилган.

Мамлакатимиз раҳбари Германия, Австрия, Италия, Франция, Швеция, Польша, Россия компаниялари ва фирмалари маҳсулотлари билан танишиш чоғида улар намойиш этаётган минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни харид қилиш билан кифояланиб қолмай, балки узоқ муддатли ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигига эътиборни қаратди.

- Кўргазмага келган фермерлар Минск ва Харьков трактор заводларининг маҳсулотларини таққослаб кўриши, уларнинг қайси бири бизнинг тупроқ-иқлим шароитимизга кўпроқ мос келишини ўрганиши лозим, - деди Ислом Каримов.

Юртбошимиз Хитой, Жанубий Корея, Туркия компания ва фирмаларининг кўргазмада намойиш этилаётган техника ва ускуналарини ҳам кўздан кечирди.

«Uzbekistan Agrominitech Expo – 2006» кўргазмасининг асосий натижаси фермерлар ва қишлоқ тадбиркорлари ўзлари танлаган ускуналарни етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш, ишлаб чиқарувчилар билан узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатишидан иборатдир. Пировардида деҳқонларимиз ўз маҳсулотларини ўзлари қайта ишлаш, экспорт таннархини ва даромадларини ошириш имкониятига эга бўлади.

Эътиборли томони шундаки, 10 ноябрдан бошлаб ушбу кўргазма фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи кичик корхоналар учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар сотиладиган доимий фаолият кўрсатувчи кўргазма-савдо сифатида ўз ишини давом эттиради.

- Бундай кўргазмалар дунё билан, дунёнинг энг илғор технологиялари, замонавий ускуналар билан танишиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир, - деди Президентимиз. - Ушбу минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни сотиб олиш билан чекланмай, бундай техника воситаларини ўзимизда ҳам ишлаб чиқаришни, уларга сервис хизмати кўрсатишни йўлга қўйишни ўйлашимиз зарур.

Кўлами жиҳатидан ноёб бўлган мазкур халқаро кўргазма-савдонинг ташкил этилиши мамлакатимизда қайта ишлаш корхоналарининг кенг тармоғини янада ривожлантириш учун хизмат қилади. Бу экспорт ҳажми, халқимиз фаровонлигини ошириш ва жаҳон хўжалик муносабатларида Ўзбекистон иштирокини янада кенгайтиришга кўмаклашади.

**Анна ИВАНОВА,**
**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА мухбирлари.**











# Замонавий технологияни бугунги фермер бошқаради

***Ўзбекистон мева-чеваси ҳақида гап кетса, бугун хорижликлар ҳам ширин тамшаниб қўйиши рост. Чунки, юртимиз ноз-неъматлари давлатимиз оша чет элликларни ром этганига анча бўлган. Улар нафақат ширин-шакарлиги билан, балки дармондориларга бойлиги – шифобахшлиги туфайли ҳам шуҳрати янада ортаяпти, харидорлар сафи кенгайиб бораётир.***

Бу мамлакат иқтисодига катта даромад эшигини очмоқда. Мутахассисларнинг эътироф этишларича, мева-сабзавотларни қайта ишлашни йўлга қўйилишидан етиштирувчи ва истеъмолчилар манфаатдор бўладилар. Бунинг учун эса, аввало, хом ашёни сифатли қайта ишлайдиган замонавий технология зарур. Давлатимиз раҳбарининг "Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳани ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларни янада жонлантириб юборди. 21 октябрда ўз ишини бошлаган "Uzbekistan Agrominitech Expo – 2006" Халқаро кўргазмасини бу борадаги ишларнинг узвий давоми, дейиш мумкин.

***Қарор ва ижро***

Эътиборли жиҳати шундаки, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган халқаро кўргазма доимий равишда фаолият кўрсатади. Бу йилига 7 миллион тонна мева-сабзавот етиштираётган деҳқон ва фермерлар учун наинки замонавий минитехнология ва кичик ускуналар билан танишиш, балки харид қилиш имконини туғдиради. Зеро, кўргазма-савдонинг очилиш маросимида таъкидланганидек, бундан кўзланган асосий мақсад ҳам шу.

Таъкидлаш керак, Республика Президентининг тегишли қарори билан мева-сабзавотчилик ва узумчиликда ҳам фермерлик ҳаракати жорий этилгач, соҳада ўнгланиш жараёни кузатилмоқда.

**(Давоми 2-бетда)**

## Куннинг муҳим воқеалари

**● Рамазон ҳайити муносабати билан Республикамиз Президенти номига Туркия Республикаси Бош вазири Режеп Таййип Эрдоган, Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонов, Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири Холида Зиё, Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби Акмалиддин Эҳсон ўғли, Араб Давлатлари Уюшмаси Бош котиби Амр Муса каби давлат раҳбарларидан табрик мактублари келди.**

**● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Александр Вешняков раҳбарлигидаги Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси делегацияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзаулуғбек Абдусаломов билан учрашди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков раҳбарлигидаги мазкур ташкилот делегациясини қабул қилди.**

**● Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида Ўзбекистонда ҳомийлик фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**● Тошмуҳаммад Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида "Умумий ўрта таълим тизимини ривожлантириш истиқболлари" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

**● Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида очилган "Инновация – 2006" халқаро илмий-амалий анжуман ташкил этилди.**

**● Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудида «Ўзбекистон амалий ва тасвирий санъати» мавзуидаги илк кўргазма очилди.**

**● Пойтахтимизда от спорти бўйича Республика турнири якунланди.**

**● Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан "Ҳамиша эъзоздасиз!" мавзуида ташкил этилган тадбир "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурининг ижросига бағишланди.**

# Кўҳна Насафнинг улуғ шодиёнаси

***Президентимизнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қарори эълон қилинган кунданоқ қашқадарёликлар дилида байрам руҳи жўш уриб кетган эди. Ахир қувонмай бўладими? Ўзинг туғилиб ўсган, ўзинг учун қадрдон юрт шарафларга бурканса?!***

Бугун улуғ аждодларимиз руҳи шод, тўй арафасида уларнинг ақл-заковати, тафаккурининг тимсоли бўлган тарихий обидалар янги умрини яшай бошлади. Бугун Қаршига келган меҳмон бу кўҳна шаҳарни таний олмайди, ўзгаришлар, янгиланишлар шу қадар кўп. Тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган осориатиқалар қаршисида бир зум ўйга чўмиб, диллар ғурурга тўлади.

***Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига***

XVI аср охирларида барпо қилинган, гўзал меъморий ечимга эга Кўкгумбаз жоме масжидида ҳар йили одамлар Рамазон ва Қурбон ҳайити маросимларида тўпланишган. Бу масжид шўролар даврида хароба ҳолга келиб қолган, унинг бор-йўқлигини сал узоқроқдан пайқаш қийин эди.

Бу тарихий обида мустақилликдан сўнг қайта таъмирланди. Нақшинкор ғиштларига жило берилди. Улуғ шодиёна арафасида эса Кўкгумбаз асл ҳолига қайтарилди, атрофи ободонлаштирилди. Ҳозирда Кўкгумбазни кўрган киши беихтиёр "Қаршида шундай обида бор экан-у, билмас эканмиз", дейиши табиий. Эндиликда ҳаж сафарига кетаётган кишилар Кўкгумбазни зиёрат этиб, улуғ аждодларимиз руҳига дуо қиладилар.

Собиқ тузум зуғумидан топталган Одина масжиди Истиқлол туфайли тубдан таъмирланиб, гўзал меъморий ечим топди. Бу жой 70 йилча ҳибсхона вазифасини ўтаганди.

**(Давоми 4-бетда)**






# Кузги шудгор: бошқаси бекор!

***Халқимизда «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда», деган ҳикмат бор. Зотан, деҳқончилик илмини мукаммал билган аждодларимиз ер кузда ҳайдалмаса, кейин уни юз марта ҳайдашнинг ҳам самараси йўқлигини чуқур англаб етишган.***

Буни деҳқончиликдаги натижалардан ҳам рўй-рост билиб олиш мумкин. Негаки, мазкур агротадбирни обитобида сифатли бажарган деҳқону фермерлар дўндириб ҳосил олиши тайин. Айни пайтда бепарво бўлганлар кутилган самарага эриша олмайдилар.

***Бугуннинг гапи***

Бугуннинг долзарб юмушларидан бири – кузги шудгорни агротехника қоидаларига тўлиқ жавоб берадиган тарзда сифатли қилиб, кечиктирмасдан ўтказишга давлатимиз миқёсида катта эътибор қаратилаяпти. Мавсумга муносиб ҳозирлик кўрилгани, чунончи, зарур техникалар таъмирланиб, эҳтиёт қисмлар ғамланганию минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари пешма-пеш етказиб берилаётганлиги тадбирнинг кўнгилдагидек бошланишига замин яратди.

Келинг, шуни рақамларда айта қолайлик. Кузги шудгорлашда ҳайдов тракторларини таъмирловчиларга 695,7 миллион, оператор-механизаторларга 1781,1 миллион сўм иш ҳақи, ёқилғи учун 16868,3 миллион сўм талаб қилинади. Мавсумга жалб этилган оператор, механизатор, чилангарлар махсус кийим-бош билан таъминланиб, уларга ишлашлари учун етарли шарт-шароит яратилмоқда. Бу – иш сифат ва суръатининг ошишига хизмат қилаётгани, шубҳасиз.

"Ўзагромашсервис" уюшмасидан маълум қилинишича, мавсумга кўнгилдагидек тайёргарлик кўрган Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида бу борада юқори кўрсаткичларга эришиляпти.

**(Давоми 3-бетда)**

| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (80) 643,1 ▲ +0,1 | БЕНЗИН (91) 722,1 ▲ +41,6 | ДИЗ.ТОПЛИВО 495,4 ▼ -1,1 | МАЗУТ 105,2 ▼ -8,7 | СЖ.ГАЗ 607,6 ▲ +75,0 | МАСЛО ХЛОПК. 943,0 ▲ +9,8 | САХАР 928,4 ▼ -43,7 | КОМ.КОРМ 141,8 ▼ -5,3 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

